



FURTHER ACTIVATION OF WOMEN'S PARTICIPATION IN POLITICAL PROCESSES IN UZBEKISTAN

Dilrabo Chorlieva

Head of the Department of the Bashkaruv Skill branch of the State
Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan under the President
of the Republic of Uzbekistan teacher
<https://doi.org/10.5281/zenodo.13948855>

ARTICLE INFO

Received: 10th October 2024
Accepted: 17th October 2024
Online: 18th October 2024

KEYWORDS

Mixed electoral system,
concept and meaning of
mixed electoral system,
changes in electoral
legislation of Uzbekistan,
political parties, "Women's
wing", women.

ABSTRACT

This article, the introduction of the mixed electoral system in Uzbekistan and the mechanisms of its implementation, the concept, essence, meaning of the mixed electoral system, improving the activity of election commissions, the participation of political parties in elections, the procedure for nominating candidates in elections, the fact that more than half of the voters are women, the political parties "The main tasks of the "Women's Wing" are to increase the social and political activity of women, to ensure and protect their rights and interests, to activate their participation in social and political reforms, to ensure their active participation in every aspect of society, as a result of such opportunities created in the parliament of our country and local councils. issues related to the increasing number and contribution of women were analyzed.

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИШТИРОКИНИ ЯНАДА ФАОЛЛАШТИРИШ

Дилрабо Чориева

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси
Қарши ҳудудий филиали "Бошқарув маҳорати" кафедраси
Ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13948855>

ARTICLE INFO

Received: 10th October 2024
Accepted: 17th October 2024
Online: 18th October 2024

KEYWORDS

Аралаш сайлов тизими,
аралаш сайлов тизими
тушунчаси ва мазмуни,
Ўзбекистон сайлов
қонунчилигидаги
ўзгаришлар, сиёсий

ABSTRACT

Ушбу мақолада Ўзбекистонда аралаш сайлов тизимининг жорий этилиши ва уни амалга ошириш механизмлари, аралаш сайлов тизими тушунчаси, моҳияти, мазмуни, сайлов комиссияларининг фаолиятини такомиллаштириш, сиёсий партияларнинг сайловларда иштироки, сайловларда номзодларни кўрсатиш тартиби, сайловчиларининг ярмидан кўпи хотин-қизларни ташкил этиши, сиёсий партияларнинг "Аёллар қаноти" нинг асосий вазибалари, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий



партиялар, “Аёллар қаноти”, хотин-қизлар.

фаоллигини ошириш, ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ислохотлардаги иштирокини фаоллаштириш, жамиятнинг ҳар бир жабҳасида уларнинг фаол иштирокини таъминлаш, яратилган шундай имкониятлар натижасида мамлакатимиз парламентида ва маҳаллий кенгашларда хотин-қизлар сони ва ҳиссаси тобора ортиб бораётганлигига доир масалалар таҳлил этилган.

Ҳуқуқий - демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг энг муҳим омили бўлган, фуқароларнинг ҳуқуқий ва сиёсий онги, уларнинг мамлакатда қабул қилинаётган қонунлар юзасидан билимларини оширишда сиёсий партияларнинг роли катта. Шу туфайли ҳам сиёсий партиялар сайловолди дастурларида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий билимини ошириш, уларни ижтимоий ҳимоялаш, оғирини енгил қилиш, оила ва жамиятдаги нуфузини ошириш, давлат ва жамият қурилишида фаол иштирокини таъминлаш, гендер тенглиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, мамлакатимиздаги барча партиялар сайловолди дастурларида ҳам хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш долзарб вазифа этиб белгиланган. Бу йил бўлиб ўтадиган сайловлар олдинги сайловлардан фарқли равишда илк маротаба аралаш сайлов тизими асосида ўтказилмоқда. Айтиш жоизки, Ўзбекистон дунё конституционализм амалиётида аралаш сайлов тизимини жорий этган 37-мамлакат ҳисобланади.[1¹]

Албатта биз учун мазкур тизим – бу янги амалиёт. Унда сайловчиларнинг ҳар бир овози учун реал кураш кетишини барчамиз яхши англаб турибмиз. Бу эса ўз навбатида, ҳар бир сиёсий партиядан янада қизғин соғлом рақобат муҳитида сайловчиларнинг ишончини қозониш, уларнинг орзу-истакларини рўёбга чиқаришга хизмат қилувчи асослантирилган таклифлар ва ташаббусларни, эзгу ғояларни илгари суришни талаб этади.

Дарвоқе, сайлов — ҳар бир партия учун катта синов, шу билан бирга кенг имконият ва масъулият ҳамдир. Айниқса, бу йилги янгича аралаш тизимда ўтадиган сайловларда сиёсий партиялар ўртасидаги ўзаро рақобат, ғоявий кураш янада юқори даражага кўтарилади.[2²]

Сайлов қонунчилигига кўра, аёлларнинг сони сиёсий партиядан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида қирқ фоизини ташкил этиши керак. Бу мамлакатимизда амалга оширилаётган гендер тенглик сиёсати, хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрнини юксалтириш борасидаги ислохотларга мос ва ҳамоҳанг бўлган жиҳатдир.

Юртимиз сайловчиларининг ярмидан кўпи хотин-қизларни ташкил этади. Шунинг учун уларнинг сайлов жараёнида фаол иштирок этиши ва овоз бериши Ватан

1 Илм-Фан (электрон журнал) УЗА. Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги.25.09.2024

2 . <https://parliament.gov.uz/articles/2125>



келажагини, равнақини, истиқболдаги ривожланиш йўлини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Айни жараёнда уларнинг сайловчи сифатидаги ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида муҳим ишлар олиб борилмоқда.

Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришга доир тадбирлар дастури асосида сайловчи хотин-қизларимизнинг ижтимоий фаоллигини оширишда Ўзбекистондаги сиёсий партияларнинг “Аёллар қаноти” ҳам фаол киришган.

Партияларнинг “Аёллар қаноти” аҳолининг, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларнинг сайловда фаоллигини оширишга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Шу кунларда маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар, таълим муассасаларида партияларнинг ғоялари “Сайловолди дастурини ташвиқот қилишда аёлларнинг ўрни”, “Сайловолди ташвиқотида хотин-қизларнинг иштироки”, “Сайловда хотин-қизларнинг сайлов ҳуқуқлари амалга оширилишини таъминлаш” каби мавзуларда тадбирлар ўтказилмоқда.

Уларда партия фаоллари хотин-қизларга миллий сайлов қонунчилиги қоидалари, фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари, овоз бериш, шу жумладан, муддатидан олдин овоз бериш тартиби, уларнинг сайловда иштирок этиши аҳамиятини тушунтиришмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар, шубҳасиз, опа-сингилларимизнинг ҳуқуқий билимларини оширишга, уларнинг фуқаролик фаоллиги ўсишига, жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштирокини кенгайтиришга олиб келади. Бугун мамлакатимиздаги сиёсий партияларнинг “Аёллар қаноти” ўз атрофида минглаб опа-сингилларимизни бирлаштирган реал кучга айланди. Бу жамиятимизда хотин-қизларнинг мақомини, ҳуқуқий маданиятини ошириш, фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга қаратилган турли ғоя ва қарашлар, деганидир. Пировардида буларнинг барчаси опа-сингилларимизнинг 27-октябр куни мамлакат келажаги учун овоз беришида мустақкам асос бўлиб хизмат қилади.

Сайлов кодексининг 70- ва 91-моддаларига сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзодлар кўрсатилаётганда аёллар сонининг энг кам миқдорини номзодлар умумий сонининг 30 фоизидан 40 фоизига оширишни таклиф этишди. Ушбу таклиф инobatга олиниб, Сайлов кодексига тегишли ўзгаришлар киритилди. Бу эса, ўз навбатида, партияларнинг хотин-қизларга бўлган муносабати ва энг муҳими, ишончи юқори эканлигидан далолат беради. Кейинги йилларида хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги мавқеини янада юксалтириш, ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ислохотлардаги иштирокини фаоллаштириш, жамиятнинг ҳар бир жабҳасида уларнинг фаол иштирокини таъминлаган ҳолда, ташаббускорлигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. [3³]

Бугунги кунга келиб давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг мавқеини ошириш ҳамда уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Яратилган шундай имкониятлар натижасида мамлакатимиз парламентида ва маҳаллий кенгашларда хотин-қизлар сони ва ҳиссаси тобора ортиб бормоқда.

3 Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси. Тошкент “Адолат” ҳуқуқий ахборот маркази 2019 й 70-91 моддалар.



Сиёсий партиялар хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шароитларни янада кенгайтириш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш ҳамда оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсатни олиб боради. Мазкур йўналишда Ўзбекистон “Адолат” СДП Сайловолди дастурида қуйидаги вазифаларни тақлиф қилади:

- хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, аниқса, ёрдамга муҳтож ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш чораларини кучайтириш;
- зўравонликнинг турли кўринишларига учраган аёлларга ҳуқуқий кўмак кўрсатиш бўйича махсус электрон платформа яратиш;
- хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларини янада кафолатлаш ҳамда ёлланма ишчи аёллар меҳнати муҳофазасини янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунига тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритиш;
- туғиш ёшидаги ва ҳомиладор аёлларга ҳамда болаларга давлат томонидан бепул бериладиган витаминлар, йод ва фолий кислотасининг ўз вақтида ва тўлиқ ажратилишини таъминлаш устидан парламент ва депутатлик назоратини ўрнатиш;
- илм-фан билан шуғулланиш истагида бўлган олима хотин-қизларнинг интилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида соҳага оид қонунчиликка уларга қўшимча имтиёزلарни кўзда тутувчи нормалар киритиш;
- хотин-қизлар ва болаларнинг ҳаёти, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида “шелтер” (уйсизлар, шунингдек, жинсий зўравонлик қурбони бўлган ёки уйда зўравонликни бошдан кечирган хотин-қизлар ва болалар учун бошпана)лар очиш ва уларда зўравонликка учраганларга то вазият ўнгангунга қадар таълим бериш, зарур тиббий, психологик ва бошқа ёрдамлар кўрсатиш бўйича чоралар кўриш. [4⁴]

Сайлов жараёнларида хотин-қизларни ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий фаоллигини янада ошириш, оилада ва ҳаётда кенг имкониятлар яратиш борасидаги илгари сураётган барча тақлифларини қўллаб-қувватлаш, сиёсий партиялар томонидан бу борада белгиланаётган вазифалар амалга ошса, хотин-қизларимизнинг ижтимоий турмушларида катта ўзгаришлар юз беради. Ҳаётимиз бунданда фаровонлашади.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси. Тошкент “Адолат” ҳуқуқий ахборот маркази 2019 й.
2. “Адолат” социал-демократик партияси сайловолди дастури-2024. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, “Шарқ тонги” кўчаси, 23-уй.
3. Илм-Фан (электрон журнал) УЗА. Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги 25.09.2024

⁴ “Адолат” социал-демократик партияси сайловолди дастури-2024. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, “Шарқ тонги” кўчаси, 23-уй



4. <https://parliament.gov.uz/articles/2125>